

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖИЯНҚУЛОВА РАҲИМА ХАЙРУЛЛАЕВНА

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР
БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб – ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Жиянкулова Раҳима Хайруллаевна

Профессионал таълим мазмунини миллий қадриятлардан билан
интеграциялаш технологияларини такомиллаштириш3

Жиянкулова Раҳима Хайруллаевна

Совершенствование технологий интеграции профессионального образования
с национальными ценностями.....23

Jiyankulova Rahima Khayrullayevna

Improving technology integration of professional educational content with national
values43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖИЯНҚУЛОВА РАҲИМА ХАЙРУЛЛАЕВНА

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР
БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб – ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped1031 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Самарканд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (_____) ҳамда “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.____) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шодиев Нарзиқул Шодиевич,
педагогика фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шарипова Дилара Джуманиязовна
педагогика фанлар доктори, профессор

Салиева Зухра Тахировна
педагогика фанлари доктори, профессор, в.б

Етакчи ташкилот:

Гулистон Давлат университети

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 рақамли Илмий кенгаш 2021 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76–уй. Тел.: (71) 246-92-17, факс: (71) 246-90-37 E-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz).

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76–уй. Тел.: 246-92-17; факс: 246-97-37).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр байённомаси).

Ш.Э. Қурбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.Ю. Ашурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., профессор

Қ.Т. Олимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим мазмунида миллий кадриятларнинг намоён бўлиш шакллари билан боғлиқ масалалар долзарблигича қолмоқда. Ҳозирги даврда таълим жараёнида кадриятларни илмий ўрганишнинг замонавий тенденциялари (Global Education & Skills) асосида баркамол авлодни тарбиялашга оид йирик ташкилотларда (UNESCO/PROAP International Education) мутахассисларнинг касбий фаолиятида ўзига ишонч ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлаш, келажак истиқболга катта умид билан ёндашиш каби умумкасбий ва шахсий сифатларни шакллантириш муҳим саналади. Шунинг учун бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда миллий кадриятлардан интегрatív фойдаланиб такомиллаштириш, “Меҳнат бозори (Labor Market)” талабларига жавоб берадиган таълим тизимини ишлаб чиқиш ва амалда жорий қилиш катта аҳамият касб этади.

Бутун жаҳон тажрибасидан маълумки, миллий кадриятлар ҳар бир давлатнинг, ҳар бир миллатнинг мавжудлик ва ривожланиш тамойиллари учун таянч бўлиб хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир таълим тизимида таълим мазмунига миллий кадриятларни сингдириш ва шу асосда келажак авлодни ўз юртига, ўз миллатига юксак муҳаббат руҳида тарбиялаш ғоят долзарб вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифани оқилона ҳал этиш, барча таълим муассасалари қатори профессионал таълим муассасалари таълим-тарбия тизимини, уларда амалга оширилаётган таълим технологияларини, таълим усуллари ва воситаларини миллий кадриятлар тизими билан бойитиб бориш ва интеграциялашни тақозо этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онг-у тафаккури, дунёқараши ўзгармоқда. Юртимизда ҳукуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган ҳаётбахш ғоянинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда¹. Бўлажак мутахассисларни миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, узлуксиз маънавий тарбия концепциясида “Тарбия ва таълимни бир-биридан алоҳида ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, шу билан бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-ҳунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб беради”², – дея таъкидланди. Шунингдек, профессионал таълим тизимида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг мониторингини олиб бориш, аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий асосланган тарбия технологиялари, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, тайёрланаётган бўлажак ёш кадрларни миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш муҳим, долзарб вазифа сифатида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда профессионал таълим тизими ўқув-услугий таъминотини миллий қадриятлар асосида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2829-сон “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 29 мартдаги “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий ва профессионал таълимда мутахассисларни касбий-педагогик тайёрлашнинг турли муаммолари ва таълим сифатини ошириш истикболлари бўйича республикамиз олимлари Р.Х. Джўраев, Ш.Э. Қурбонов, А.Р. Ходжабаев, У.И. Иноятов, Н.А. Муслимов, З.К. Исмаилова, Қ.Т. Олимов, Х.Ф. Рашидов, Ў.Қ.Толипов, Ш.С.Шарипов, Д.О. Ҳимматалиев, М.Б. Урабова, Н.Н.Мусаева, Ж.А.Ҳамидов, О.Х.Тўрақулов, О.А. Қўйсинов, У.Н.Нишоналиев, Н. Шодиев, М.Очилов, Э.Т.Рўзиев, Р.Ҳасанов, С.А.Булатов, М.Қуронон, Н. Саидахмедов, Н.Н.Алимов, С.Ю.Ашурова, А.А. Каримов, Ж.А. Маннонов, Ш.С. Шарипова, М.М. Қодиров ва бошқалар тадқиқот ишларида атрофлича ўрганилган.

МДХ мамлакатларида таълим муассасаларида педагог мутахассисларни тайёрлашнинг самарадорлигини ошириш технология ва методикасини такомиллаштириш масалалари В.А.Сластенин, Ю.К.Васильев, Е.Э.Смирнова, В.И. Загвязинский., В.П.Беспалько, Н.Б.Никитин, С.Д. Полуянов ва бошқалар ишларида тадқиқ этилган.

Таълимда миллий қадриятларни ривожлантириш бўйича республикамиз олимларидан М. Қуронон, Ш. Мардонов, О.Мусурмонова, С.Нишонава, Х.А.Юлдашев, М.Р.Юнусов, МДХ давлатлари олимларидан В.Н.Колобов,

Н.Л.Лабунская, М.М.Шевцова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган бўлса, хориж давлатлари олимларидан Aslam Fataar, Macintyre Saroja R.T., Svami Vivekananda ва бошқалар томонидан мазкур муаммо доирасида салмоқли ишлар амалга оширилган.

Тадқиқот иши муаммосига оид илмий изланишлар ва адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, профессионал таълим муассасаларида ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш муаммоси бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, лекин педагогика коллежларида педагог мутахассисларни тайёрлашда миллий кадриятлардан фойдаланиб билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш методикасини такомиллаштириш масалаларига кам эътибор қаратилган. Бу эса мазкур таълим йўналиши ўқувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш, уларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ўқитиш методлари, шакллари, воситалари ва педагогик шарт-шароитлар мажмуасини замонавий ёндашувлар асосида ўрганишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Жиззах политехника институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-049 “Талабаларда ассертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” (2017-2018) мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади профессионал таълим муассасаларида таълим мазмунини миллий кадриятлар билан интеграциялаш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

профессионал таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг миллий кадриятларни ўрганиш даражасининг мавжуд ҳолатини ва унга мос дидактик имкониятларни аниқлаштириш ва моҳиятини очиб бериш;

бўлажак мутахассисларни миллий кадриятлар тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг назарий моделини ишлаб чиқиш;

профессионал таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни тайёрлашдаги умумкасбий ва махсус фанларни ўқитишда миллий кадриятлардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш;

миллий кадриятлар билан таълим мазмунини интеграциялаш асосида таклиф этилаётган профессионал таълим жараёни самарадорлигини аниқлаш бўйича тажриба-синов ишларини амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти профессионал таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети таълим мазмунини миллий кадриятлар билан интеграциялашнинг шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида психологик ва педагогик илмий адабиётларни тадқиқот муаммоси нуқтаи назаридан ўрганиш ва таҳлил қилиш; умумкасбий фанлар бўйича илмий-методик манбалар таҳлили; талабалар ўқув-тарбия фаолиятини кузатиш, анкета-сўровномалар ўтказиш, педагогик тажриба-синов ишларини амалга ошириш ҳамда унинг натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш методларидан

фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

профессионал таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг ўқув-билиш мотивациясини ривожлантиришга йўналтирилган дидактик жараёнлар миллий кадриятларни англашнинг касбий тайёргарлик натижаларига таъсири продуктивлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

миллий кадриятлар асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг интегратив модели кадриятга оид маълумотларнинг тизимлилиги, миллий кадриятларга оид-меъерий шартлилик ва интегративлик тамойиллари ҳамда бўлажак мутахассисларнинг касбий моҳирлик сифатлари (креативлик, ишончлилик, иродавийлик, эпчиллик, илмга асосланганлик) тизими асосида такомиллаштирилган;

“Гидамчилик технологияси” ўқув курси мазмунига халқ ва амалий безак санъати ҳунармандчилиги ҳамда устоз-шогирд анъаналари воситасида миллий кадриятларни сингдириш асосида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш методикаси такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини баҳолашнинг когнитив, продуктив ва креатив мезонлари миллий кадриятларни ўзлаштиришнинг продуктивлиги (устоз-шогирд анъаналарига содиқлик, урф-одатларни кадрлаш, меҳнатсеварлик, тажрибага асосланганлик) асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

педагогика коллежларида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда таълим мазмунини миллий кадриятлар билан интегратив такомиллаштиришга йўналтирилган ўқув-методик таъминот яратилган, жумладан, ”Касб-ҳунар коллежларида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий педагогик асослари” номли монография;

“Гидамчилик технологияси” номли методик қўлланма;

синфдан ташқари тарбиявий тадбир – “Меҳржон” байрами дастури замонавий ёндашув асосида ишлаб чиқилган;

“Гидамчи уста” касби бўйича ишчи ўқув режа, намунавий дастур ва дарс ишланмалари асосида машғулотларни ташкил этиш технологиялари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хорижий ҳамда ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференция материаллари, илмий-методик таклифларнинг амалиётга татбиқ этилгани; шахсга йўналтирилган таълим технологияларига оид ўқув материалларининг нашр этилганлиги ва таълим жараёнига жорий қилинганлиги, тадқиқот вазибаларига мос келувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; олинган натижаларнинг математик-статистик қайта ишлов берилганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган методика, модел, монография, услубий қўлланма, методик мажмуа тайёрлашда миллий, маънавий, маданий, таълимий кадриятлар, тарихий адабий мерослардан

фойдаланиш бўйича илғор таълим технологиялари ва интерфаол услублар уйғунлиги, ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларидан интегратив ёндашув асосида махсус фанларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича намуналар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти профессионал таълим муассасаларида умумкасбий фанлар бўйича ўқув режа ва дастурларни такомиллаштиришда, умумкасбий фанларни ноанъанавий усулда ташкил этишда, дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар ва ўқув-тарбиявий тадбирларни, тўғарақларни олиб боришда, бўлажак мутахассислар маънавий сифатларини ҳамда профессионал таълимнинг малака талабларида белгиланган умумий компетенцияларни шакллантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: профессионал таълим муассасаларида таълим мазмунини миллий кадриятлар билан интеграциялаш технологияларини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак мутахассисларни миллий кадриятлар асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини таъминлашга доир таклифлари ва миллий кадриятлар асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг интегратив тузилмасидан Жиззах политехника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-049 “Талабаларда ассертив хулқни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари” (2017-2018) мавзусидаги грант лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 12 декабрдаги 89-06-99-сонли маълумотномаси). Бўлажак мутахассисларни миллий кадриятлар асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг интегратив тузилмаси ўқувчиларни миллий кадриятлар асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини таъминлашга хизмат қилган;

педагогика коллежларида касбий фаолиятга тайёрлашнинг миллий кадриятларга асосланган интегратив концептуал модели ва уни татбиқ этишга доир таклифлар «Касб-ҳунар коллежларида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий-педагогик асослари» ўқув-методик таъминоти мазмунига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 12 декабрдаги 89-06-99-сонли маълумотномаси). Мазкур таъминот бўлажак мутахассисларнинг касбий билимларини ривожлантиришга хизмат қилган;

устоз-шогирд анъаналари воситасида профессионал таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш методикаси ва бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлик даражаларини баҳолаш мезонларига оид таклиф ва тавсиялари асосида махсус фанларни ўқитиш методикаси ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 12 декабрдаги 89-06-99-сонли маълумотномаси). Мазкур методика умумкасбий ва махсус фанлар мазмунини миллий кадриятлар асосида такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та, шулардан 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 23 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 1 та яқка муаллифликда монография, 2 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 10 та мақола, 1 та хорижий журналда, 2 та халқаро конференцияларда нашр этилган.

Тадқиқот ишининг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, 3 та боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 132 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этирилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **«Профессионал таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида педагогика коллежларида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш мазмунини миллий кадриятлар билан интеграциялаш методикасини такомиллаштириш муаммоси ечимига қаратилган бўлиб бўлажак мутахассисларнинг касбий билим, кўникма ва малакалари тузилиши, мазмуни, мутахассислар тайёрлаш бўйича мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисида сўз юритилди.

Янги турдаги замонавий профессионал таълим муассасалари таълим-тарбия тизимини, уларда тайёрланаётган мутахассисларни жамиятда амалга оширилаётган туб ислохотлар, ўқув жараёнининг моддий техника ва ахборот базасини яратиш ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлиги; сифатли ўқув-услубий адабиёт ҳамда дидактик материаллар билан таъминлаш; таълим тизимининг фан ва ишлаб чиқариш билан ҳамкорлигини ва ўзаро фойдали интеграцияни йўлга қўйиш; махсус ва касбий фанларнинг ўқув-методик мажмуаларини ишлаб чиқиш асосида уларни интеграциялаш; тегишли ДТ (давлат талаб)лари доирасида мутахассисларнинг умумкасбий, политех-ник, техник ва технологик тайёргарлигини такомиллаштириш; аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда бўлажак мутахассисларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш каби масалаларнинг оптимал ечимларини излаб топишни тақозо этади.

Профессионал таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни касбий


жиҳатдан тайёрлашда тарихий, маънавий, моддий, маданий, миллий, таълимий, тарбиявий қадриятлардан фойдаланиш учун ҳозирги даврда жиддий табиий эҳтиёжлар пайдо бўлмоқда. Чунки, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча соҳалари янгиланиб бораётганидек, замонавий педагогика, психология, методика фанлари ҳам мазмунан ва шаклан янгиланишлар олдида турибди. Сўнгги йиллар мобайнида педагогика фанига таяниб келган тарбия тизимидаги ғоялар ҳозирги мустақиллик даврида самара бермай қолди, ундан олдин яратилган назария ва таълимотлар ҳозирги замон таълим тизимида чуқур ва ҳар томонлама ўрганилган эмас, маънавий қадриятларнинг кўпгина (асосий) қисми бундан 100-150 йил олдин яратилганлиги ва тўлиқ ўрганилмаганлиги сабабли, профессионал таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида миллий, маънавий қадриятлардан замон руҳиятига мослаштирилган ҳолда фанлар тизимида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб бўлажак мутахассисларни миллий қадриятлардан фойдаланган ҳолда касбий фаолиятга тайёрлашда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш лозим: биринчидан, профессионал таълим муассасаларида ўқиётган ўқувчиларнинг маънавий билим доирасини аниқлаш; иккинчидан, ўқувчиларнинг биринчи босқичдан оқ маънавий билим доирасини юксалтириш механизмини ишлаб чиқиш; учинчидан, ўқувчиларнинг миллий-маънавий қадриятлар тўғрисидаги билимлар ҳажми ва қамровини аниқлаш; тўртинчидан, касбий таълим мазмунига миллий-маънавий қадриятлардан халқ хунармандчилиги турларини интеграциялаш мисолида маълумотларни *сингдириш методикасини* ишлаб чиқиш; бешинчидан, ўқувчиларнинг миллий-маънавий қадриятлар тўғрисидаги шаклланган билимларини аниқлаш *мезонини ишлаб чиқиш*; олтинчидан, ўқувчиларнинг миллий-маънавий қадриятлар тўғрисидаги билимларининг амалий, касбий кўникмага айланганлигини аниқлаш; еттинчидан, ўқувчиларнинг эгаллаган миллий-маънавий қадриятларга оид кўникмаларини касбий кўникмалар ва малакалар билан интеграциялай олишни амалга ошириш; саккизинчидан, эгалланган маънавий ва касбий кўникмаларни ўқувчилар онги ва қалбига сингдиришнинг инновацион услублари ва технологияларини яратиш.

Профессионал таълим тизимида ушбу вазифаларни ҳал этиш инновацион жараён бўлиб, у таълим-тарбияга замонавий талаблар асосида дидактик маълумотлар киритишни тақозо этади. Бунда бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича (халқ хунармандчилиги турлари мисолида) миллий қадриятлар тизимини такомиллаштириш ва улардан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш зарур бўлади. Бундай таълим-тарбия тизимини амалга ошириш бўлажак мутахассисларнинг касбий билим, кўникма ва малакалари билан бир қаторда уларнинг миллий қадриятлар бўйича билимларини (дидактик асосларини) босқичма-босқич ривожлантиришни тақозо этади.

Шундан келиб чиқиб, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий, оммабоп адабиётларни ўрганиш ва таҳлил натижасида педагогика коллежларида мутахассислар тайёрлаш бўйича ўқув режага киритилган фанлар блоклари

Ўқув дастурлари мазмунига миллий қадриятлар билан интегратив сингдириш учун тўлиқ имкониятлар мавжудлиги асосланди (1-расмга қаранг).



1-расм. Бўлажак мутахассисларни миллий қадриятлар асосида касбий-маънавий фаолиятга тайёрлаш мазмунининг интеграцион-тузилмавий схемаси.

Педагогика коллежи ўқув режасига киритиладиган фанлар блоклари: умумкасбий фанлар (педагогика турлари, психология, методика, одам анатомияси ва физиологияси), махсус (мутахассислик) фанлари, ўқув амалиётлари турлари, ишлаб чиқариш амалиётлари, педагогик амалиёт, якуний давлат аттестациялари. Шаклдаги миллий қадриятлар (миллий-


маънавий ва миллий-моддий кадриятлар), умумий ўрта таълимда ҳосил бўлган таянч билим ҳамда мутахассислик йўналишига тегишли фан-техника янгиликларига оид маълумотлар бўлажак мутахассисларни маънавий етук ва интеллектуал салоҳиятли қилиб шакллантиришга хизмат қилса, халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатни амалга оширишга оид услублар ва технологиялар эса бўлажак мутахассисларни касбий етук бўлишига хизмат қилади. Демак, булардан 1-расмда ифодаланганидек, касбий таълим, уларнинг ўқув режасидаги фанлар блокларининг узвий алоқадорлиги бўлажак мутахассисларни касбий етук бўлиб шакллантиришга фундаментал асос бўлади ва улар мазмунига кадриятларни тизим бўйича сингдириш эса бўлажак мутахассисларни касбий-маънавий етук қилиб шакллантиришга ғоявий-дидактик асос бўлади.

Тадқиқот ишида кадр, кадрият, кадриятлар, миллий кадриятлар, маънавий кадриятлар, моддий кадриятлар, маданий кадриятлар ва таълимий кадриятлар ҳақида қисқача маълумотлар келтириб ўтилган бўлиб, тушунчалар изоҳи ва таърифлардан келиб чиқиб, биз бўлажак мутахассиснинг таянч билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришдаги миллий кадриятларнинг қуйидаги муаллиф таърифини қабул қилдик:

Миллий кадриятлар – бу «бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» йўналишида бўлажак мутахассисларини тайёрлаш бўйича – «Халқ амалий безак санъати» ва халқ ҳунармандчилиги тизимини ифодаловчи маънавий ва моддий бой тарихий мерослар, шу соҳадаги мутахассис-олимларнинг бой интеллектуал мулклари, ҳамда улар билан боғлиқ бўлган табиий ва моддий ресурслар, шунингдек, ушбу йўналишга оид таълимий кадриятлар мажмуидир.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “**Профессional таълим муассасларида бўлажак мутахассисларни тайёрлашда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг шакл, усул ва воситалари**” деб номланган бўлиб, унда педагогика коллежида бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари, миллий кадриятлардан интегратив фойдаланиш асосида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш модели ҳамда бўлажак мутахассисларни тизимли ёндашув асосида интерфаол методлардан фойдаланиб такомиллаштириш технологиялари ишлаб чиқилган. Шунингдек, педагогика коллежларида кадрларни тайёрлаш жараёнига тизим сифатида қаралиб, унинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари аниқланган.

Тадқиқот доирасида олиб борилган илмий ишларни ўрганиш ва таҳлиллар асосида “Бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг интегратив такомиллаштириш модели” компонентлари аниқланди. Шу нуқтаи назардан биз бўлажак мутахассисларни касбий-фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш моделига (2-расмга қаранг) уни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилишга имкон берувчи моделлаштириш тизимини асос қилиб олдик.



2-расм. Бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг интегратив такомиллаштириш модели

Модел бир қанча мақсадларни кўзда тутди: таълим мазмунини миллий қадриятлар билан интегрatív такомиллаштириш жараёни таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлигини яхлит, бир бутун жамланган шаклда очиб бериш; бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришнинг методик моҳиятини замонавий педагогик шарт-шароитларни ҳисобга олиб айрим кичик тизимлар кўринишида аниқ тасвирлаш; ўқувчиларнинг миллий қадриятларни ўрганишларига ва келажакда касбий фаолиятга тайёргарлик кўришларига методик ёрдам кўрсатиш.

Педагогика коллежларида мутахассисларни тайёрлашда, аввало, миллий, моддий қадриятларнинг лойиҳавий тузилмаларини белгилаб олиш, сўнгра ушбу тузилмалардан энг муҳимларини кенгайтирилган, такомиллаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш ва уларни таълим тизимига жорий этиш технологияларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу сабабли ўқувчиларга миллий, моддий қадриятларни, тарихий меросларни, донишмандлар асарларини ўргатишда, аввало, уларнинг ҳар бири бўйича матнларини тузиш, мазкур асарларнинг аҳамиятини, қисқача мазмунини, моҳиятини ёритиш орқали мутахассислар онгига сингдириш ҳозирги кундаги замонавий профессионал таълим тизимида касбий фанларни ўқитишни такомиллаштиришда миллий (моддий) қадриятлардан фойдаланишда сифат ва самарадорликни таъминлаш учун асос бўлади.

Модел бўлажак мутахассисни касбий фаолиятга тайёрлашда миллий қадриятлардан интегрatív фойдаланишни такомиллаштириш жараёнининг таркибий қисмлари ўртасидаги муҳим боғланишларни яхлит бир бутун ҳис этиш ва топишга мажбур қилади, шахснинг фикрлаши ва тафаккурини фаоллаштиради.

Мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш миллий қадриятлар билан интегрatív такомиллаштириш жараёни ва унинг тузилмасини (таркибий қисмларини) дидактик (методик) моделлаштиришни қуйидаги бир қатор тамойиллар асосида амалга оширдик:

- бўлажак мутахассислар касбий фаолиятида миллий қадриятлардан интегрatív фойдаланишни такомиллаштиришнинг мазмуни, ташкилий шакллари, методлари ва воситалари ҳамда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари;

- мутахассисларнинг касбий фаолиятида миллий қадриятлардан интегрatív фойдаланишни такомиллаштиришнинг ўзаро алоқадор қисмлардан ташкил топганлиги;

- мутахассисларнинг касбий фаолиятида миллий қадриятлардан интегрatív фойдаланишни такомиллаштириш жараёни мазмунини ташкил қилувчи таркибий қисмларнинг бир хилда мураккаблиги, қисқа ва аниқлиги;

- мақсад ва вазифалар, асосий тушунчалар билан аниқланадиган янги тузилмаларнинг вужудга келиши.

Биз юқорида таъкидлаган тамойилларга асосланган ҳолда миллий қадриятлар билан интегрatív такомиллаштириш моделининг қуйидаги асосий ёндашувларни ажратиб кўрсатдик: қадриятли; тизимли; шахсга йўналтирилган. Қадриятли ёндашув ўқувчиларда ўз ҳаётининг мазмунини

англаши учун зарурий шарт-шароит яратишга, унинг табиат, жамият, инсонлар билан мулоқотида юзага келадиган шахсий фикрларини тарбиялашга йўналтирилади. Қадриятлар сермазмун ва кўп қиррали тушунча бўлиб, ўз ичига табиий, умуминсоний, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, моддий, маънавий, диний, ахлоқий, демократик, ижтимоий-сиёсий қадриятлар, оилавий қадриятлар ва бошқа тушунчаларни қамраб олади.

Ҳар қандай қадрият инсон фаолиятининг маҳсули, унинг атроф-муҳитга нисбатан бўлган муносабатининг ифодасидир. Қадрият жамият ижтимоий ва маънавий тараққиётининг зарурий маҳсулидир. Ҳар бир қадрият муайян бир даврнинг маънавий мағзи бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий манзарасини акс эттиради. Келтирилган моделда педагогик ёки методик технологияларнинг асосий мазмуни ва моҳияти “тизимли ёндашувга”га қаратилган. Исталган “тизим” тузилмасининг энг муҳим жиҳати унинг ички ўзаро алоқадорлиги ва тартибга солинганлиги ҳамда ташқи бир бутунлиги ёки яхлитлигидир. Бу жиҳат методик тузилмадаги таркибий қисмлар ўзаро боғлиқлигини умумлаштириш ҳамда уларни идрок этиш, эса сақлаш учун бирмунча қулай кўринишда ифодалаш заруриятини келтириб чиқаради. Методик тузилмани ишлаб чиқишда тизимли ёндашув тамойилига таяниб иш юритдик. Педагогик тузилмалар (тизимлар) ижтимоий тузилмаларга хос бўлиб, улар қуйидаги муҳим белгилари: мақсади, умумий қонуниятлари ва ўзаро реал алоқалари мавжудлиги билан тавсифланади.

Бўлажак мутахассисларнинг миллий қадриятлардан фойдаланиб касбий фаолиятга тайёргарлигини такомиллаштиришда тамойиллар, қадриятга оид маълумотларнинг тизимлилиги, миллий қадриятларга оид шахсга йўналтирилганлик, функционаллик, креативлик, жамоавий ҳамкорлик, интегративлик, коммуникативлик, таълим фанларининг ўқув-услугий имкониятлари, моделлаштириш, вазиятни тўғри баҳолаш, ижодий йўналтирилганлик, рефлексиядан тўғри фойдаланиш керак.

Шахсга йўналтирилган ёндашувда, бўлажак мутахассисларнинг фақат касбий билимлари, кўникмалар ва малакаларнигина эмас, балки шахсий имкониятларини, умуминсоний сифатларини, ривожлантиришни назарда тутати.

Бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга маънавий етук қилиб тайёрлашда юқоридаги йўналишларда қайд этилган қадриятлардан мунтазам равишда интегратив (ўқув режадаги барча фанлар блокларида) фойдаланиб боришни талаб этади. Бу эса ўзига хос қадриятлар турлари тизимини ташкил этади. Шу билан бирга бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда қадриятлар тизимидан фойдаланиш бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг маҳсулли шаклларида биридир.

Бўлажак мутахассисларда қадриятларга оид билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш жараёни бурмунча мураккаб жараён бўлиб, унда таълимнинг замонавий усулларида фойдаланишни тақозо этади.

Бунинг учун таълим-тарбия жараёнида қуйидаги йўналишдагидек фаолият юритишга тўғри келади: бўлажак мутахассисларнинг касбий

фаолиятга мос миллий-маънавий кадриятларга ёки уларнинг туркумларига оид маълумотлар камрови ва ҳажмини лойиҳалаштириш; бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги ўқув режасидаги фанлар блокларига мос миллий-маънавий ва миллий-моддий, миллий-маданий кадриятларга оид маълумотлар ҳамда материалларни тўплаш орқали, улардан ўқув режасидаги фанларни ўқитишда фойдаланиш лойиҳалаштирилади; бўлажак мутахассисларнинг маънавий дунёкараши (билимлар доираси)ни бойитиш механизмини ишлаб чиқиш; бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда таълим мазмунига қайси фанни ўқитишда қандай миллий-маънавий кадриятларга оид маълумотлар масалан, гиламчилик гуруҳида (материаллар)дан фойдаланиш тамойиллари ва мезонларини ишлаб чиқилишига эътибор берилди; бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда касб-хунарга оид маънавий мерослар турларидан самарали фойдаланиш йўллари ва шаклларини асослаш.

Тадқиқот доирасида бўлажак мутахассисларда миллий кадриятларга оид билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг интеграциялашган дидактик таъминоти ишлаб чиқилди. Дидактик таъминотни ишлаб чиқишда устахонада амалий машғулот фани ва синфдан ташқари машғулотларда таълим жараёнига “Case-stady”, “Блиц-сўров”, “Insert” методлари татбиқ этилди.

Бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг ўқув-услугий таъминоти қуйидагиларни ўз ичига олади: бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича давлат сиёсати; касбга оид фундаментал билимлар мажмуаси; педагогик ва психологик тайёргарлик; «устоз-шогирд» тизими анъаналари ва урф-одатлари; ўқув жараёнига инновацион ёндашув ва ҳ.к.

Таҷрибаларнинг кўрсатишича бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда касбий таълим фанларини ўқитишда миллий кадриятлардан самарали фойдаланиш учун интегротив характердаги инновацион услублар ва технологияларни ишлаб чиқишга тўғри келади ва бунда «тизимли ёндашув», «Тизимли таҳлил», «Интегротив ёндашув» каби ўқитиш услублари ва “кластер” технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳолатлар таълим берувчини «Дидактик портфель» (ўқув-услугий мажмуалар, миллий кадриятлар ҳақидаги ахборотлар, анъанавий таълим жараёни, инновацион услублар ва технологиялар, қўшимча маълумот ва ахборот материаллари ва ҳ.к.) билан қуроллантиради, таълим олувчини эса ўқув-тарбиявий муҳит билан таништиради, умумий ўрта таълимда эгалламоқчи бўлган касбига оид таянч маълумотларни яна бир бор эслашни талаб этади. Пировард натижада таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасида самарали интерфаол мулоқот юзага келади.

Бундай ҳолатларда таълим олувчида шаклланадиган касбий билим ва кўникмаларни аниқлаш қулайроқ бўлади, шунингдек, бўлажак мутахассисда шаклланаётган касбий кўникма ва малаканинг шаклланганлик даражасини мониторингини кузатишга ҳам имконият яратилади. Бу охириги икки

босқичда тест-саволлари тузиш, уларга мос эталон жавоблар тайёрлаш, тест натижаларини таҳлили амалга оширилади. Бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда касбий таълим фанларини ўқитишда миллий кадриятлардан самарали фойдаланиш учун услублар ва технологияларни ишлаб чиқишга тўғри келади.

Шунингдек тадқиқот жарёнида “Гидамчилик технологияси” махсус курс дастури, дидактик таъминоти ҳамда технологияси ишлаб чиқилди.

Махсус курсни ўқитишдан мақсад – синфда, синфдан ташқари ва тадбирлар жараёнига интерактив методлар, инноватсион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини қўллаб ўқувчиларга миллий кадриятларимиз ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш орқали уларни касбий-маънавий етук, рақобатбардош мутахассис сифатида тарбиялаш.

Махсус курснинг вазифаси – бўлажак мутахассисларни миллий кадриятлар асосида касбий билимларини ривожлантириш.

Касбий таълим фанларини ўқитишда миллий кадриятлардан интегратив фойдаланишни такомиллаштириш технологияси методологик характерга эга бўлиб, у касб-ҳунар муассасасида мутахассис кадрларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштиришга дидактик асос бўла олади ва ундан фойдаланиш натижасида қуйидаги ижобий педагогик самараларга эришиш мумкин: бўлажак мутахассисларда Ватан туйғуси, ватанпарварлик ҳисси, миллий ғурур ва ўз халқига меҳр-садоқатли бўлишлик тарбияланади ҳамда унинг ижтимоийлашуви таъминланади; уларда табиат (моддий кадриятлар) ва жамият (маънавий кадриятлар)га нисбатан хурмат билан қараш негизида Она юртини севиш ва энг асосийси маънавийлиги бўлиш таркиб топтиради; уларда касбий фаолиятни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага чиқаради, ўқишга бўлган мойилликни кучайтиради, уларда шахсий-маънавий ва касбий-маънавий жиҳатдан юксалишга бўлган мотивацион жараённи фаоллаштиради; бўлажак мутахассислар бунёдкорлик фаолиятини англаб етади ва шунинг билан уларда яратувчилик фаолиятини олиб боришга иштиёқ туғилади; бўлажак мутахассисларда янгича фикрлаш ва ташаббускорлик қобиляти юксалади, ахлоқий-тарбиявий, интеллектуал-касбий ва маънавий жиҳатдан етук бўлиб шаклланади.

Мазкур технология педагогика коллежларининг «Бошланғич таълим ва тарбиявий иш» йўналишига жорий қилдинди ва тажриба синовдан ўтказилди.

